

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2021 йил июнь ойининг 30 кунда жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди ўз биносида, “ВКА” видео конференц алоқа тизимидан фойдаланилган очик суд мажлисида, раислик қилувчи Н.Саломов, З.Саримсоқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, судланувчи О.Маматқуловнинг ҳимоячиси “Адолат-Негизи” адвокатлик бюроси адвокати У.Юлдашев, жабрланувчи М.Джурабаеваларнинг иштирокида, Маматқулов Омаджон Шухрат ўғлига нисбатан юритилган № 1-1503-2102/133-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Маматқулов Омаджон Шухрат ўғли (Mamatqulov Omadjon Shuxrat o'g'li) 04.12.1996 йилда Данғара туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Қўқон шаҳар, Аччиққўл кўчаси, 58-уй, 6-хонадонда доимий рўйхатда туриб, Данғара тумани, Уймовут МФЙ, Шўр қишлоғи, Ариқбўйи кўчаси, 29-уйда яшайди, 18.03.2021 йил кун иш бўйича қўлланилган “тилхат” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилиб, қидирув эълон қилинган, 06.05.2021 йил кундан 10-сонли тергов ҳибсхонасида сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 30.01.2021 йил кун олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни:-

А н и қ л а д и:

Маматқулов Омаджон Шухрат ўғли жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, 2020 йил 15 октябрь кун соат 24:30 ларда жамоат жойи ҳисобланган Қўқон шаҳар, Туғруқ комплексига маст ҳолатда келиб, шифохонада даволанаётган синглиси Ш.Маматқуловани кўриб чиқиш учун шифохонанинг навбатчи хамшираси Ш.Акбаровани ҳеч бир сабабсиз уриб, беморлар ётган бўлимга кириш эшигини синдириб мулкый зарар келтирган ҳолда, тўпалон қилаётганида, шифохона навбатчи шифокори М.Джўрабоева уни безорилик ҳаракатини тўхтатишини ва шифохонага келтирган зарарни қоплашини айтган вақтида, безорилик



ҳаракатини тўхтатмай, М.Джўрабоевани ҳам ҳеч бир сабабсиз қастдан уриб тан жароҳати етказган.

Ўтказилган суд тиббий экспертizasининг 15.09.2020 йилдаги 5078-сонли хулосасига кўра, М.Джўрабоевада ўнг юзини чап ёноқ соҳасида, пешона соҳасида қонталашлари, бош мия чайқалиши каби тан жароҳатлари борлиги ва бу тан жароҳати 1 суткалар оралиғидаги муддат ичида юзага келган бўлиши мумкинлиги, бу тан жароҳатлар олти кундан кўп, йигирма бир кундан кам бўлган муддатга соғлигини бузилишига олиб келишини шунинг учун СОҒЛИГИНИ БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛГАН ЕНГИЛ тан жароҳатлар тоифасига киришлиги кўрсатиб ўтилган.

Судланувчи Маматқулов Омаджон Шухрат ўғли суд мажлисида ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2020 йил 15 октябрь куни соат тахминан 24-00 дан ўтганда Кўқон шаҳар туғруқ комплексига келганлигини, шифохонага кириш дарвозаси олдига автомашинасини қолдириб, ўзи темир дарвозага яқинлашганида шифохона қоровули турганлигини, уни ичкарига кириши мумкин эмаслигини айтишганлигини, кейин ундан нима учун мумкинмаслигини, синглисини кўриб чиқмоқчилигини айтганида, у айнан унга мумкин эмаслигини айтганлигини, у қоровулни юзига бир мушт урганлигини, қоровул калтак зарбидан ерга йиқилганлигини, кейин шифохонани қабулхонаси эшиги олдига келиб, хамширага синглиси “Шахзодахон”ни кўриб чиқмоқчи эканигини айтганида, мумкин эмаслигини айтганлигини, кейин унга пул беришини айтиб, иккита 50.000 сўмлик пулларни узатганлигини, уни пулини олмасдан нарсаларини берса бериб қўйишини айтганлигини, унга кириб чиқишини айтганлигини, лекин мумкин эмаслигини айтиб, уни ҳақоратли гапларни айтиб юзига эшик ойнасини юпиб қўйган вақтида уни жаҳли чиқиб акфадан ясалган бўлимга кириш эшигини синдириб, бир томон табақасини кўтариб гулзорга олиб бориб ташлаганлигини ва кирганлигини, кейин бир хамшира чиқиб палатага кириш мумкин эмаслигини айтганида, икки кўлидан ушлаб четга олиб қўйганлигини ва иккинчи қаватга кўтарилиб чиққанлигини ва синглиси “Шахзодахон”ни палатасига кўлидаги кийим, нон ва кабобни олиб кириб, синглиси билан гаплашиб жиянини кўриб яхши эканликларини билиб, қайтиб чиққанлигини, кейин биринчи қаватга тушиб, кўчага чиқиб кетаётганида темир панжарали дарвоза олдида 5-6 нафар шифокорлар қоровул билан турганлигини кўрганлигини, шунда қоровул унга “сен билан гаплашаман хали кўтир” деб айтганлигини, уни жаҳли чиқиб, яна қоровулни бир икки шапалоқ урганлигини, шу ерда унга нотаниш аёл шифокорлардан бири уни телефонига видеога олиб, унга жавраётганлигини кўриб уни кўлидаги телефонини уриб тушириб юборганлигини, кейин ўша шифокор унга ташланиб урмоқчи бўлганида уни юзига бир маротаба урганида ерга йиқилганлигини, кейин уларни хамширалар ажратиб уни урмаслигини айтганлигини, шу пайт ташқарига милиция ходимлари келиб уни ИИБга олиб кетишганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув бериб ўтди.



Жабрланувчи Джурабаева Мархабо Ибрагимовна суд мажлисида, у Қўқон шаҳар Туғруқ комплексида бош шифокор ўринбосари бўлиб ишлаб келишлигини, у 2020 йил 14 октябрь кунидан 2020 йил 15 октябрь кунига ўтар кечаси тунги навбатчиликка тушганлигини, шундан сўнг ўзига юклатилган вазифаларни бажариб, туғруқхонанинг махсус хонасида беморни туғдираётганлигини, кейин операциядан чиққанидан сўнг ёнига ҳамшира кириб, соат тахминан 00:30 ларда шифохонанинг эшиги қаттиқ таққиллаганлигини, тунги навбатчиликдаги бошқа шифокорлар уни олдига борганида нотаниш бўлган кейинчалик билишича О.Маматқулов эшикни қаттиқ тақиллатиб шифокорларга эшикни очишлигини, ичкарига киришлигини, синглиси кўпайишганлигини ва уни кўрмоқчилигини айтганлигини, шифокорлар унга ичкарига кириш мумкин эмаслигини ҳамма беморлар дам олаётганлигини, кеч бўлиб қолганлигини айтганида фуқаро О.Маматқулов шифохона эшигини уриб тепиб синдириб ичкарига кирганлигини, навбатчи шифокорларни уриб беморлар ётган қаватга чиқиб уларни тинчлигини бузаётганлигини айтганлигини, шунда у ҳовлига чиққанида О.Маматқулов тепа қаватдан бақир-чақир қилиб сўкиниб тушиб чиқиб келаётганлигини кўриб, О.Маматқуловни олдига бориб О.Маматқуловга эшикларни тўғрилаб кетишлигини айтганида О.Маматқулов уни гапларига қулоқ солмасдан чиқиб кетмоқчи бўлганида қоровулга О.Маматқуловни тўхтатишлиги айтиб, ўзи ИИБга телефон қилганлигини, шу пайт О.Маматқулов қоровул билан жанжаллашиб кетганлигини, уларни ажратмоқчи бўлиб О.Маматқуловга жанжал қилмаслигини тўполон қилишни тўхтатишини айтиб, унинг жанжал қилаётган ҳолатини видеотасвирга олмоқчи бўлганида, уни ёнига келиб “сенми милиция чақирадиган” деб уни телефонини тепиб юборганлигини, телефони ерга тушиб кетганлигини, шунда О.Маматқуловга бу қилган иши учун жавоб беришини айтганида О.Маматқулов уни юзига урганлигини, у ерга йиқилиб ётиб қолиб, бир муддат хушини йўқотганлигини, ўзига келганида ИИБ ходимлари етиб келишганлигини ва О.Маматқуловни олиб кетишганлигини билганлигини, ҳозирда судланувчининг онаси ҳамда судланувчининг ўзи ундан кечирим сўраганлигини, шу сабабли судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, судланувчини воқеа содир бўлгандан сўнг кечириб юборганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Джўраева Муяссар Носировна суд мажлисида, Қўқон шаҳар Туғруқ комплексида 1997 йилдан буён ҳамшира бўлиб ишлаб келишлигини, 2020 йил 15 октябрь куни тунги навбатчиликка борганлигини, кейин шу кунги смена ходимлари билан ўзига юклатилган ишларини қилиб турганида, соат тахминан 24-00лар чамасида ҳовли томонда кимдир бақириб, сўкиниб, “эшикни оч” деб жанжал қилаётганлигини эшитганлигини, кейин навбатчи қизлар билан бирга ҳовлига тушиб борганлигини, кўча дарвоза эшигида унга нотаниш бўлган кейин билишича О.Маматқулов эшикни очишини ва ичкарига киришини, ичкарида синглиси туққанлигини ва уларни кўриб чиқиши кераклигини айтиб тўполон қилаётганлигини кўриб, О.Маматқуловга кеч бўлганлиги сабабли уни ичкарига киритмаслигини, агар қайтиб кетмаса ИИОга хабар



беришини айтганида, О.Маматқуловни шериклари кетиб юборишганлигини, шу пайт эшикни очмаганлиги учун О.Маматқулов эшикни тепиб синдириб ичкарига кирганлигини, шунда ҳовлида турган қизлар ичкарига қараб қочишганлигини, у ҳам тепага чиқиб каридорда кетаётганида ортидан О.Маматқулов сўкиниб бақир-чақир қилиб келиб “сенми ҳали милиция чақирадиган” деб сочидан тортиб, уни у ёқдан буёққа тортқилай бошлаганлигини, “қани мени пичоғим” деб чўнтаklarини излай бошлаган вақт у кўрқиб кетиб ундан кечирим сўраганлигини, кейин О.Маматқулов уни кўйиб юбориб палаталарни эшикларини очиб синглиси “Шахзода”ни излай бошлаганлигини, унга ким кўринса уриб сўкиб синглисини топиб беришини айтиб бақираверганлигини, каридорда “Давлатхон” исмли хамширани кўриб қолиб, унга ҳам ташланиб синглиси “Шахзода”ни топиб беришини айтган вақтда у жанжал ҳали давом этишини билиб, пастга тушиб шифохона бош шифокор ўринбосари М.Джурабаевага бу ҳақда хабар берганлигини, кейин улар М.Джурабаева билан бирга ҳовлига тушганида тепадан О.Маматқулов пастга яна бақириб сўкиниб тушиб келганлигини, бу вақтда қоровул ҳам эшик олдида келганлигини, шунда М.Джурабаева О.Маматқуловга нимага бақир-чақир қилиб юрганлигини айтиб, “милиция чақиринглар” деганлигини, О.Маматқулов ортига қайтиб яна сўкиниб урмоқчи бўлаётганида қоровул уни йўлини тўсганлигини, О.Маматқулов уни уриб кетганлигини, шунда М.Джурабаева уларни ажратмоқчи бўлганида М.Джурабаевани ҳам юзига урганлигини, М.Джурабаева ерга йиқилганлигини, О.Маматқулов М.Джурабаевани телефонини тепиб юборганлигини, уларни ажратмоқчи бўлишганида эса уларни ҳам яқинлашса уришини айтиб тўполон қилганлигини, шу пайт кўчага ИИО ходимлари автомашинада келиб тўхтаганлигини, О.Маматқулов қочиб чиқиб кетганлигини, кейин улар М.Джурабаевани ўрнидан тургизиб соғлиги ёмонлашганлиги учун уни тез ёрдам шифохонасига олиб кетишганлигини, эртаси куни эса уларни профилактика инспектори чақириб тушунтириш хати олишганлигини ва тиббий экспертизадан ўтиши учун қарор берганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Маматқулова Шахзода Шухратжон қизи суд мажлисида, у 2020 йилнинг бошида турмуш қурганлигини, кейинчалик эса ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли ота-онаси билан бирга яшай бошлаганлигини, кейин у 2020 йил 14 октябрь куни фарзандли бўлганлигини, у фарзанди билан Қўқон шаҳар Туғруқ комплексида даволаниб турганида, 2020 йил 15 октябрь куни акаси Маматқулов Омаджон уларни кўриш учун келаётганлигини айтганлигини, кейин уларга керакли нарсаларни олиб келишларини айтганлигини, шундан сўнг соат тахминан 24-00 лар бўлса керак акасини кутиб олиш учун биринчи қаватга қабулхонага тушганлигини, шу пайт навбатчи ҳамшира уни юқорига чиқишини акаси билан кўришмаслигини айтганлигини, шу пайт акаси О.Маматқулов келиб қолганлигини, шунда акаси ҳамширага киришини айтганида, ҳамшира кирмаслигини айтганлигини, ундан олдин бир йигит келганида унинг 100.000 сўм пулини олиб киргазиб юборганлигини кўрганлигини, бунини



акаси ҳам кўриб турганлигини, кейин уни ҳамшира тепага чиқишини айтиб киргазиб юборганлигини, кейин акаси О.Маматқуловга кирмаслигини айтиб юзларига эшикни фортичкасини ёпганлигини, акасини жаҳли чиқиб, эшикни уриб синдириб ташлаганлигини, юқорига чиқиб фарзандини кўриб унга керакли нарсаларни бериб қайтиб тушиб кетганлигини, бу вақтда акаси юқоридаги ҳамшираларни бирортасини урмаганлигини, кейин билишича акаси О.Маматқулов шифохонадан қайтиб чиқиб кетаётганида қоровул билан шифохона бош врач ўринбосарини урганлигини билганлигини, ҳозирда акаси уларни ёлғиз боқувчиси бўлганлиги учун унга енгиллик беришларингни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Маматқулова Марғуба Сатторовна суд мажлисида, у 2020 йилнинг бошида қизи Маматқулов Шахзодахонни турмушга узатганлигини, кейинчалик эса улар ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли уришиб қолиб, улар билан бирга яшаётганлигини, кейинчалик қизи Ш.Маматқулова 2020 йил 14 октябрь куни фарзандли бўлиб у эса набирали бўлганлигини, қизи фарзанди билан Қўқон шаҳар Туғруқ комплексида эканлигини, 2020 йил 16 октябрь куни ўғли О.Маматқулов эрталаб уйқудан турганидан сўнг унга телефон қилиб, бир кун олдин кечаси қизи Ш.Маматқуловани кўргани борганида шифокорлар билан жанжаллашиб қолиб улардан бирини ва қоровулни урганлигини айтганлигини, унга бекор бу ишни қилганлигини айтганида у қизи “Шахзода”ни кўриб чиқмоқчи бўлганида киргазмаганлигини лекин бошқаларни пулини олиб киргазиб юборганидан жаҳли чиқиб жанжаллашиб кетганлигини айтганлигини, кейин бу ҳақда қизи Ш.Маматқулова ҳам айтганлигини, кейинчалик ўғли О.Маматқуловга шу кунги жанжал учун жиноят иши қўзғатилганлигини билганлигини, бу вақт орасида эса турмуш ўртоғини автомашина уриб юбориб, вафот этганлигини, ҳозирда уларни шу ўғли боқиб келаётганлигини, шу сабабли унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Қўшимча гувоҳ Мамажоновна Зулфия Гаффаровна суд мажлисида бир неча йиллардан бери Қўқон шаҳар “Тиббиёт бирлашмаси”га қарашли “Туғруқ комплекси” бошлиғи лавозимида ишлаб келишлигини, 2020 йил 15 октябрь куни у ишда бўлмаганлигини, 2020 йил 16 октябрь куни ишга келган вақтида туғруқхона худудида жанжал бўлганлигини эшитиб, ҳолатни суриштирган вақтида кейинчалик таниган О.Маматқулов 2020 йил 15 октябрь куни соат 00-30 ларда туғруқхона худудига синглиси Ш.Мамажоновна ва унинг чақалоғини кўриш учун келиб, туғруқ комплекси ичидаги палатада ётган синглисини олдида кирмоқчи бўлган вақтида ҳамширалар ичкарига киришига қаршилик қилганлиги сабабли у ерда жанжал кўтариб, туғруқ комплекси эшигини синдириб, ичкарига кирганлигини, сўнг ичкарида ҳам жанжал кўтариб, ҳаммани безовта қилганлигини, уни палатадан ташқарига чиқишни талаб қилган бир неча ҳамшираларни сўкканлигини, сўнг туғруқ комплексининг чиқиш эшиги олдида навбатчи шифокор М.Джўрабоевани уриб, унга тан жароҳатлари етказганлигидан хабар топиб, ушбу ҳолатлар тасвирланган видео ёзувларни дискка кўчириб, ИИБ ҳодимларига тақдим қилганлигини, бошқа



бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан ҳодимлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борганлигини айтиб, судланувчига нисбатан даъврсини йўқлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи О.Маматқуловнинг айби уни, жабрланувчининг кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишида мавжуд бўлган ариза (и.в 4-5), тушунтириш хатлари (и.в 6-13), суд тиббий экспертиза хулосалари (и.в.16-21) ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

Судланувчи О.Маматқуловнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан тўғри квалификация қилинган, чунки О.Маматқулов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан безорилик ҳаракатларини олдини олиш чорасини кўрган фуқаро М.Джўрабоевнинг баданига қасддан уриб, енгил тан жароҳати етказиб, жиноят содир этган.

Суд, О.Маматқуловга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноятни маст ҳолатда содир этганлиги деб ҳисоблайди, жазони енгиллаштирувчи ҳолати айбига тўлиқ иқрорлиги, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, унинг шахсини, оилавий аҳволини, оилада ягона боқувчи эканлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келишлиги, жабрланувчининг унга нисбатан даъвосини йўқлигини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига риоя қилиб, одиллик, инсонпарварлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига таянган ҳолда, О.Маматқуловга нисбатан у айбланаётган модда жазо санкцияси доирасида кўрсатилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб топилиб, ишга қўшилган бир дона ДВД дискни ишга қўшиб сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ у к м қ и л д и

Маматқулов Омаджон Шухрат ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбли деб топилсин.

О.Маматқуловга Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан 4 (тўрт) йил муддатга у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 22-00 дақиқадан соат 06-00 гача бўлган вақтида Данғара тумани, Уймобут МФЙ, Шўр қишлоғи, Ариқбўйи кўчаси, 29-уйдан чиқишини чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазосини тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан судланувчи О.Маматқуловнинг 2021 йил 6 май кунидан 2021 йил 30 июнь кунига қадар қамоқда ўтирган 1 (бир) ой 24 (йигирма тўрт) кунини озодликни чеклаш жазосини 1 (бир) ой 24 (йигирма тўрт) кунига тенглаштириб ҳисоблансин ва О.Маматқуловга тайинланган 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазосидан



чегириб, ўташ учун 3 (уч) йил 10 (ўн) ой 6 (олти) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ижро эттириш Данғара туман ИИО Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Тайинланган жазо муддати Данғара туман ИИО Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

О.Маматқулов зиммасига Данғара туман ИИО Пробация гуруҳи розилигисиз яшаш жойини, иш (ўқиш) жойини ўзгартирмаслик, Фарғона вилояти худудидан ташқарига чиқмаслик тарзидаги қўшимча чеклашлар юклатилсин.

О.Маматқуловга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчининг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб топилиб, ишга қўшилган бир дона ДВД диск ишга қўшиб сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчилар ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Фарғона вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:-

Н.Саломов



Ҳужжат имзоланган: Саломов Нодир Қурбонович, 19.07.2021

